

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 52-ҳадис

52 - عَنْ عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «سَمِّيَ اللَّهُ كُلُّ بَيْمِينِكَ، كُلُّ إِمَّا يَلِيلِكَ». مُتَّفَقُ عَلَيْهِ.

Умар ибн Абу Саламадан розияллоху анху ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

**«Аллоҳнинг исмини айт, ўнг қўлинг билан егин ва олдингдан егин!»** дедилар.

Муттафақун алайҳ.

**Фойда:** Имом Нававий фикрларича, овқат хусусида шундоқ. Лекин меваларда эса ҳоҳлаган жойидан танлаб ейиш мумкин.

**Шарҳ:** Расулуллоҳ с.а.в. каттаю кичик саҳобаларга улар орқали умматларига таълим берган энг гўзал суннатларидан бири- Аллоҳнинг фазли ва неъматини эслаб, Унга шукр қилиш ва овқат олдидан "бисмиллаҳ"ни айтишдир. Овқат тановул қилишда ўнг қўл билан ейиш, тартиб ва тозаликка эътибор бериш, таомланиб бўлгач эса Аллоҳга ҳамд айтишдир.

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

- Исломнинг таом хусусидаги кўрсатмаси, ейишни "бисмиллаҳ" билан бошлиб, "алҳамдуиллаҳ", билан тугатиш.
- Мусулмон одам овқат ейишни **«Аллоҳумма барик лана фийма розақтана вақина ъазабан нари, бисмиллаҳи»**, деб айтиш билан бошлайди.

(Маъноси: «Аллоҳим, бизга ризқ қилиб берган нарсангни баракали қил, бизларни дўзах азобидан сақла, Аллоҳнинг исми билан бошлайман».)

Овқатни еб бўлиб: **«Алҳамдуиллаҳилазий атъамана ва сақона ва жаъалана муслимийн»**, деб айтади.

(Маъноси: «Бизларни овқатлантириб, бизларни суғориб ҳамда бизларни мусулмон қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин».)

1. Овқатни ўнг қўл билан ейилади.
2. Овқатни киши олдидан олиб ейди. Идишнинг ҳар томонига қўлини югуртириб, одобсизлик қилмайди.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

